



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 27 октябрь ● сешанба ● № 45 (662) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz



«Обуна – 2010»

Газета ҳаммамизга етади.

Фақат обуна бўлсак кифоя!

Нашр кўрсаткичи – 137

2009 йил — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»

## Қишлоқлардаги ҳаёт ва маданият

янги поғонага кўтарилади. Бугун амалга оширилаётган ишлар салмоғи шундан далолат бермоқда

**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ** дастлабки кунлариданоқ қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш ҳамда қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини тўлиқ таъминлашга қаратилган кенг қамровли ва узоқ муддатларга режалаштирилган давлат сиёсати амалга оширилмоқда.

ХУСУСАН, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни тўғдириш, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Утган йиллар давомида қишлоқларимизда тобора авж олиб бораётган ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий база яратилди.


Ер кодекси, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунларнинг ва бошқа қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилинганлиги юқоридаги фикримизнинг яққол исботидир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузаларида «Айни вақтда, қишлоқ жойларидаги инфратузилма тармоқларини – бу уй-жой қурилиши бўладими, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти бўладими, йўлларнинг ҳолати, транспорт ва коммуникация хизматлари масаласи бўладими – буларнинг барчасини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ ҳаётининг

савияси ва маданиятини янги поғонага кўтаришга устувор аҳамият беришимиз даркор»лиги таъкидланди.

2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги Қарорига асосан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тасдиқланиб, қишлоқ аҳолиси манфаатлари йўлида ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Мазкур Дастур доирасида жорий йилда жами 30 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши режалаштирилган. Жумладан, дастурда қишлоқ аҳли манфаатларига дахлдор, қишлоқдаги инфратузилмани янада ривожлантиришга йўналтирилган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларни бугунги кун талаблари нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиб, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларининг қабул қилиниши ҳамда «Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган.



Обод гузарлар

*Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида қишлоқ жойларда 4,7 миллион квадрат метр яқка тартибдаги уй-жойлар, 577 километр газ ва 1680,8 километр сув қувурлари тармоқлари фойдаланишга топширилди.*



Адлия вазирлигида

## Кенгайтирилган ҳайъат мажлиси

Адлия ВАЗИРЛИГИнинг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Р.Мухитдинов бошқарган мажлисда адлия органлари ва муассасаларининг 2009 йилнинг ўтган 9 ойи давомида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилиниб, йилни муваффақиятли якунлаш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

ҲИСОБОТ даврида қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида 783 та қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди ва тегишли хулосалар берилди.

Шунингдек, тақдим этилган идоравий-норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан 218 таси давлат рўйхатидан ўтказилди. Таъкидланишича, вазирлик ходимлари иқтисодий инқирозга қарши чоралар дастури доирасида 60 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши жараёнида иштирок этди.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш адлия органларининг биринчи галдаги вазифаларидан ҳисобланади. Шу муносабат билан ҳисобот даврида адлия органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид жами 21 миң 500 дан ортиқ муурожаат

кўриб чиқилди. Шундан, 71 фоизга яқини қаноатлантирилди.

Жамиятда ҳуқуқий



маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарғибот бўйича адлия органлари ва муассасалари томонидан 35 миңдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилганлиги ҳайъат мажлисида эътироф этилди. Айрим вилоятларда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётганлиги танқид қилинди.

Марказий ва маҳаллий ОАБдан унумли фойдаланган ҳолда ҳуқуқий тарғибот ишларини янада кучайтиришга қаратилган кўрсатма ва тавсиялар берилди. Шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижроси билан боғлиқ сифатли материалларни кўпайтириш ва

ёритиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди. Йигилишда таъкидланганидек, ҳисобот даврида адлия органлари томонидан 196 та юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилиб, янгидан ташкил этилди.



Қишлоқларда замонавий уйлар қурилмоқда.



Қишлоқнинг беғубор ёшлари.



Амударё соҳилининг лаззатли қовунлари.

### Миннатдорчилик

Бизга ёрдам бердингиз

Уйимизни қайтариб олдик

— ШУ ЙИЛНИНГ 4 май кунини «Инсон ва қонун» газетасига ёрдам сўраб ариза билан муурожаат қилганимиз, — деб ёздади Жондор тумани Ф.Хўжаев кўчаси, 10-уй, 10-хонадонда яшовчи Ҳасан Холов.

— Аризада укам Муқим Холов онамининг кексалигидан фойдаланиб, (у 85 ёшда) унинг номидаги уйни ўзининг номига расмийлаштириб олганлигини баён қилганимиз. Сизлар аризамни қонуний кўриб чиқиш учун фуқаролик ишлари бўйича Қорақўл туманлараро судига юборган экансизлар. Суд қонуний қарор чиқарди. Уйга онамининг эгаллик ҳуқуқи қайта тикланди. Хал қилув қарорини қўлимизга олдик. Адолат қарор топшига ёрдам берган тахририят жамоатига оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман.



### Олқиш

Дард билманг, ғам кўрманг

Бойсун тумани Юқори Мачай қишлоғида яшовчи Эшпўлат ота БЕРДИЕВ:

— ЁШИМ 70 дан ошди. Шу ёшга кириб бирон марта касалхонада даволанмаганман. Яқинда қутилмаганда вилоятимизнинг кўп тармоқли тиббиёт марказининг урология бўлимида даволанишимга тўғри келди. Касалхонанинг бош шифокори Аҳмад Дўстбоев, урология бўлими бошлиғи К.Саидалимов, ҳамшира Улмасой Муқомовларнинг ширин сўзлиги ва муолажалар ўз вақтида ўтказилганлиги туфайли тезда соғайиб, фарзандларим бағрига қайтдим. Эътиборлиси, шифохонада барча шароитлар яратилган. Бугунги кунда шифохонада 82 нафар олий маълумотли шифокор, 280 нафар ҳамшира ва 170 нафар хизматчилар вилоят аҳли соғлиғи ҳақида қайғурмоқда.

Беморлар дардига шифо бағишлайётган жонқуяр шифокорларга соғайиб кетган барча беморлар номидан миннатдорчилик билдираман.

## Замонавий пул

ёки пластик карточканинг афзалликлари, қулайликлари ва бошқа жиҳатлари хусусида

Қулайлик

— Пластик карточкадан фойдаланишнинг қандай қулайлик ва афзалликлари мавжуд?

— Айтинг-чи, тўлов пластик карточка орқали амалга оширилганлиги учун сотувчи махсулот нарҳига устама фоиз қўйиши мумкинми?



— Банк карточка ҳисобварағида турган пулларингизга ҳисобланадиган фоиз кўринишида қўшимча даромад оласиз. Ҳозир тижорат банклари томонидан пластик карточкалардаги маблағларга энг камида йиллик 14 фоиз устама ҳақи тўланмоқда;



Вақт чарчалади

Сайлов ва сайловчи

Сайлов жараёнида ҳуқуқбузарлик содир этилса...



МАМЛАКАТИМИЗДА сайлов қонунчилиги тобора тақомиллаштирилётганидан яхши хабардоримиз. Зеро, сайловларнинг адолатли ва ҳаққоний тарзда ўтказилиши республикамизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий негизига ижобий таъсир этиши баробарида давлат бошқарувини амалга ошириш жараёнида халқнинг иштирокини янада ошириш имкониятини беради. Айтиш жоизки, инсон ҳуқуқи ва манфаатлари устун саналган барча мамлакатларда сайлов қонунчилигининг у ёхуд бу даражада бузилиши ҳолатлари оз бўлса-да, учраб туради. Шунинг билан сайлов қонунчилигининг бузилиши учун жиноий жавобгарлик белгилаб берилган.

ЎЗ-ЎЗИДАН савол туғилади: Ҳўш, сайлов қонунчилигининг бузилиши нималарда кўринади? Унга нисбатан жавобгарлик масаласи қандай ҳал этилган?

Амалдаги Жиноят кодексининг 147-моддасида шундай белгилаб берилган.

“Фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахсининг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишлари, шунингдек, фуқароларнинг референдумда иштирок этишлари, кўрkitиши, алдан ёки огдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш — уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”. Мазкур моддан талқин этишда, аввало, атамалар мазмунига эътибор қаратиш жоиз.

Тўсқинлик қилиш — шахсини ўз сайлов ҳуқуқини амалга ошириш имкониятларидан маҳрум қилиш мақсадида унга нисбатан ҳар хил усуллар билан таъйиқ ўтказишнинг (фуқароларнинг сайлов участкасига келишига йўл қўймаслик, сайловда ташвиқотини олиб боришни таъйиқлаш, сайловчилар рўйхатига киритмаслик, сайлов варақасини бермаслик ва ҳоказоларда) ифодланади. Мазкур ҳаракатлар зўрлик ишлатиш, кўрkitиш, алдан, огдириб олиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Зўрлик ишлатиш, деганда сайлов ҳуқуқининг амалга оширилишига ёки ишончли вакилларнинг ўз ваколатларидан фойдаланишлари тўсқинлик қилувчи ҳар қандай жисмоний таъйиқ тушунилади. Ушбу таъйиқ ушлаб туриш, озод-

ликдан маҳрум қилиш ёхуд уриш, калтаклаш, баданга енгил ёки ўртача шикаст етказишда ифодланади.

Кўрkitиш — фуқарони ўз сайлаш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечишга мажбур қилиш мақсадида унинг ўзига ёки яқин кишиларига нисбатан зўрлик ишлатиш, мол-мулкни нобуд қилиш, шахс сир сақламоқчи бўлган маълумотларни ошкор этиш билан кўрkitиб, руҳий таъйиқ ўтказишдир.

Алдан — сайловчилар билан учрашув ўтказилмаган, йиғилиш ўтказилаётган жой ҳақида сайлов кунда сайлов бюллетенини тўлдиришда, эркин сайловларда иштирок этишга дахлдор бўлиши мумкин.

Огдириб олиш — шахсининг сайловда кампанияси ёхуд сайловларда иштирок этишга унинг ўзига мулксий ёки бошқа имтиёзлар ваъда қилиниши ёки берилиши тушунилади.

Мазкур жиноят инсоннинг сайлаш ёки сайланиш, сайлов ташвиқотини олиб бориш, референдумни ўтказишда иштирок этиш каби конституциявий ҳуқуқларига дахл қилар экан, ушбу масалага юзаси қараш ярамайди.

Ўзбекистон, яъни биз севган ва ардоқлайдиган юрт демократик тамойилларга асосланиб, ҳуқуқий давлатдан фуқаролик жамияти сари боришни бош мақсад қилиб қўйган экан, бу ҳаракатларнинг тўғри олиб борилишида ҳар биримиз масъулмиз. Бу йўлни сайлов ҳуқуқсиз тасаввур қилиб бўлмаслиги боис, унга кўпроқ эътиборли бўлиш бизнинг бурчимиздир.

**Гулчеҳра ТўЛАГАНОВА, юридик фанлари номзоди, доцент, Истам АСТАНОВ, ТДЮИ ўқитувчиси**

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Аграр соҳада сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини доимий ошириш, сувни тежаш технологияларини татбиқ этишни назарда тутувчи бошқа қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш бу йилги ҳуқуқ ижодкорлигидаги муҳим вазифалардан биридир. Амалга оширилаётган ҳамкор-

лойиҳалаштириш тизимини тубдан тақомиллаштиришнинг кенг қамровли ҳуқуқий базаси яратилди. Бу мақсадни амалга ошириш учун жорий йилнинг 27 январидаги Президентимизнинг “Қишлоқ-қурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институтини ташкил этиш тўғрисида”ги, 29 январида “Уй-жой фондини фойдаланишга таяёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат иш-

жорат банк томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шартларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ мuddатли имтиёзли кредитлаш тизимини жорий этилди.

Президентимизнинг 2009 йил 22 январдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 19 июндаги “Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 январдаги “2009 йилда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган умумий фойдаланиш автомобиль йўллари ва ҳўжалиқларро қишлоқ автомобиль йўллари таъмирлаш йиғма параметрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳам қишлоқ қиёфасини замон руҳига мос тарзда гўзаллаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, республика раҳбарияти томонидан ўринли тарзда таъкидлаб ўтилганидек, Инқирозга қарши чоралар Дастури ҳамда “Қишлоқ таррақийети ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг маъно-маъмуни ва ижроси натижасида бўлаётган ўзгаришларни кенг оммага етказиш борасида оммавий ахборот воситалари, давлат ва жамоат ташкилотлари имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур.

Қўрсатишдан дастурларда белгилаб берилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш ҳам мамлакатимизда дунёда кечайётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини камайтириш ва аксинча қишлоқни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиётнинг таррақий этишига хисса қўшади.

**Худойёр МЕЛИЕВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**

Қишлоқлардаги ҳаёт ва маданият

янги поғонага кўтарилади. Бугун амалга оширилаётган ишлар салмоғи шундан далолат бермоқда



ликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида ҳозирги кунга келиб Давлат дастурининг бир қатор бандлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, уларнинг Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши таъминланди.

Таъкидлаб ўтиш лозим, Дастурнинг мақсадларидан бири бўлган қишлоқ қиёфасини сифат жиҳатидан яхшилаш, ривожланиш ва архитектуравий режа асосида қурилиш бош схемаларига мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктлари қурилиши, қишлоқдаги турар-жой ва ижтимоий соҳа объектлари намунавий лойиҳалар бўйича барпо этилишини назарда тутувчи қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий режалаштирилишини ташкил этиш ва қишлоқ қурилишини

ларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 30 мартдаги “Қишлоқ қурилиш банк” ҳқиядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги, 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўшимчи кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 31 мартдаги “Қишлоқ қурилиш банк” ҳқиядорлик тижорат банкнинг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 25 майддаги “Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқна тартибдаги уй-жой қурилиши учун “Қишлоқ қурилиш банк” ҳқиядорлик ти-

Эътибор — шарт

Чалқашликка йўл қўйилса... кейинчалик оворагарчиликлар ортади

ФАРЗАНД — оила қувончи. Айниқса, илк фарзанд кўрган ёш ота-оналарнинг ҳаяжони янада ўзгача бўлади. Оталик ёки оналик бахтини туйиб, чақалоқдан кўз узгилари келмайди.

Бу қувончлари фарзандига туғилганлик ҳақида гувоҳнома олиш билан ҳам муҳрлаб қўйилса, қанчалар яхши, албатта. Лекин айримлар бу борада эътиборли бўлавермайдилар. Хатто шундай ҳолатлар учрайдики, фарзанди бочча ёки мактаб ёшига етганда гувоҳнома олиш

ташвишига тушиб қоладилар. Бу пайтда орадан анча мuddат ўтган бўлиб, боланинг соғлиғи ҳақида, туғилганлигида даво ва бошқа ҳужжатларни ФХДЭга тақдим қилиш зарур ҳисобланади.

Баъзан шарий никоҳ билан қифояланган янги оилалар кейинчалик бундай ҳолатларда янада чалқашликларга дуч келадилар, оворагарчиликлар кўпаяди. ФХДЭ ходимлари зарур ҳужжатларсиз туғилганлик ҳақида гувоҳнома бериш мумкин эмаслигини тушунирадидилар. Лекин буни ҳамма ҳам тўғри тушуниши қийин, “ортқича оворагарчиликка қўясизлар” дегувчилар ҳам йўқ эмас.

Яна бир қизиқ ҳолат, буни би- либ туриб йўл қўйилган англашил-

мовчилик дейсиз, беихтиёр. Баъзи шахслар бир хонадонда никоҳ қайд қилинган ақаси, уқасининг номига фарзандига гувоҳнома олиб, кейинчалик қўтилмаган муаммолар туғилиб қолишига имкон яратадилар.

Уйлаймизки, фарзандига ўз вақтида туғилганлик ҳақида гувоҳнома олишининг ҳам ўз завқи, шукроналиғи бор. Мухими, фарзанди катта бўлгач, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар борасида унинг болалигида йўл қўйилган бирор чалқашликлар туфайли афсуслан- маса, дейимиз.

**Нилуфар ЭСОНОВА, Жомбой тумани ФХДЭ бўлими мудир**

Тизим Тадбирлари

Шийпонда учрашув

ҚУЙЧИРЧИК туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи идорамиз ходимлари турли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, туманимизда фаолият кўрсатаётган 600 дан ортиқ фермер ҳўжалиқларига чиқиб, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишмоқда.

ЯҚИНДА, дала шийпонда меҳнатқашлар билан ана шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Унда жамоамиз вакиллари қишлоқ аҳолисини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоб бердилар. Ҳозирги кунча тез-тез учраётган ҳолатлардан бири фермер ҳўжалиқлари раҳбарлари турли сабабларга кўра, фермер ҳўжалиғи раҳбарлигини бошқа шахсга ўтказиш бўйича бизга муурожаат қиладилар. Навбатдаги тадбирда “Фермер ҳўжалиғи тўғрисида”ги Қонунга алоҳида тўхталиб ўтилди. Мазкур қонуннинг 21-моддасида фермер ҳўжалиқлари раҳбарлари вафот этмагунга қадар ҳўжалиғини, ҳўжалик мулкни бошқариш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишга йўл қўймаслиғи, мабодо, раҳбар касал бўлса ёки меҳнат таътилига чиқса ҳўжалиғини вақтинча бошқариш учун нотариал тартибда тасдиқланган бир марталик ишончнома бериш мумкинлиғи белгилаб берилди. Бу каби тадбирлар орқали фуқароларимиз ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга ва қишлоқ таррақий-ётига муносиб хисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

**Шоҳида МУҲАММЕДЖОНОВА, Қуйичирчик туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**

Саломатлик — бош мавзу

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ташаббус билан Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан вилоят ҳўқимлигида ўтказилган семинар Президентимизнинг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодди шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодди вояга етказиш борасидаги ишларни янада кўпайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлашга бағишланди.

ТАДБИРДАН кўзланган мақсад аҳолининг саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодди вояга етказиш борасидаги ишларни янада кўпайтириш ва самардорлигини оширишдан иборатдир.

Адлия вазирлиғи бошқарма бошлиғи Дилбасхор Якубова қарорлар ижросини таъминлаш борасидаги вазифалар ва жойлардаги ахвол тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, иштирокчиларнинг саволларига жавоб берди.

**Маруся ХОСИЛОВА, “Инсон ва қонун” мухбири**

Юридик тизматнинг роли

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббус билан Жиззах вилояти адлия бошқармасида “Меҳнат муносабатлари оид қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, ташкилот ходимларининг маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини ва моҳиятини уларга етказишда юридик хизмат ходимларининг роли” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

СЎЗГА ЧИҚҚАНЛАР кун тартибидagi масалалар юзасидан фикр билдириб, қонун ижодкорлиғи соҳасида амалга оширилаётган ишлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги “Давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари, маҳаллий ҳўқимият органлари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ҳўқимият органларининг юридик хизмати тўғрисида”ги ҳамда “Ҳўжалик бошқарув органлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг юридик хизмати тўғрисида”ги низомида белгилаб берилган юридик хизматнинг вазифалари ва улар вакилларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида, шунингдек, Меҳнат кодексининг айрим моддалари ҳақида батафсил маълумот бердилар.

**Тўлқин ЯНГИБОВЕВ, “Инсон ва қонун” мухбири**

озод этилди. Қонунга зид равишда қабул қилинган қарорлар бекор қилиниши юзасидан бўлим томонидан 13 та тақдимнома киритилган бўлиб, шулардан 13 та ҳолатда ноқонуний қабул қилинган қарорлар бекор қилинди. Жумладан, Ҳўжаобод туманидаги “Мухтор” ва “Фарзанд ризқ Комилжон” фермер ҳўжалиқлари билан тузилган ер ижара шартномасини бекор қилиш ҳақидаги туман ҳўқимининг қарорлари адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимнома асосида бекор қилинди.

Шунингдек, Андижон туманидаги “Андижон-1” пахта тозалаш акциядорлик жамиятида ўтказилган ўрганиш натижасида фермер ҳўжалиқлари томонидан етказиб берилган пахта хомаёши кийиматнинг 100 фоизлик тўлов ҳисобидан қарздорлик вужудга келиб, ўрганиш якуни бўйича 30 та фермер ҳўжалиғи манфаатини кўлаб, ҳўжалик сўдига 11.647.319 сўмлик даъво аризалари киритилди.

“Шаҳриқон” пахта тозалаш акциядорлик жамиятида ўтказилган ўрганиш натижасида аниқланган шартномавий муносабатлар бўйича қонунбузилишларни бартараф қилиш юзасидан тақдимнома киритилди. Киритилган тақдимнома натижасида бўйича жамият раиси А.Парпиев ва жамият бош ҳисобчиси Ш.Турдиматовлар эғаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоятда 2010 йил ҳосили учун қишлоқ ҳўжалик корхоналари билан тайёрлов, хизмат кўрсатуви корхоналар ўртасида давлат эҳтиёжи учун бошқоқди дон харид қилиш бўйича контрактация шартномалари тузилиши яқунланди.

**Қудратбек АБДУРАҲМОНОВ, Андижон вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи, Шухратбек МУСАЕВ, “Инсон ва қонун” мухбири**

Адлия аралашгач... Қонун қинғирликни кечирмайди... Шартнома шунчаки қоғоз эмас, балки ҳуқуқий муносабатлар мезонидир

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ** адлия бошқармаси томонидан вилоятнинг 114 та ҳўжалик юритувчи субъектида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг қонунийлиғи ўрганилди. Улар томонидан тузилган 49294 та шартнома кўриб чиқилди. Ўрганиш жараёнида ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2934 та ҳолатда шартномаларнинг тузилиши, 3631 та ҳолатда шартномаларнинг бажарилиши бўйича қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

УШБУ ҲОЛАТЛАР бўйича судларга 855 та 2.169.000.366 сўмлик даъво аризаси ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан эса 111 та тақдимнома киритилди.

Судларга киритилган даъво аризаларидан 391 таси судлар томонидан қаноатлантирилди. Хусусан, Андижон тумани МТП АЖ томонидан тузилган шартномаларнинг ижроси ўрганилганда, жамият раҳбари Н.Турдиев ва жамият бош ҳисобчиси Ш.Қўчқоровлар томонидан шартнома шартлари бажарилиши юзасидан етарли назорат олиб берилмаган. Натижада корхонанинг дебитор ва кредитор қарздорликлари ўсишига ва уларнинг мuddати ўтиб кетишига йўл қўйилган. Ушбу ҳолат юзасидан Андижон тумани МТП АЖ раҳбари ҳамда бош ҳисобчисига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 175-моддаси, 3-қисмига биноан маъмурий баённома тузилиб, Андижон тумани Давлат солиқ инспекциясига тақлиф киритилди ва туман ДСИ бошлиғи қарори билан корхона раҳбари ва бош ҳисобчисига энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорда 280.400 сўмдан жами 560.800 сўм маъмурий жарима қўланилди.

Ўтказилган ўрганишлар натижалари бўйича жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этиш юзасидан вилоят прокуратурасига тақлифлар киритилди. Жумладан, Олтинкўл туманида яшовчи фуқаро Х.Ҳамидовнинг муурожаатини ўрганиш натижасида кўра, фуқаро Х.Ҳамидов номидан Олтинкўл тумани ҳўқими номига “Сафаробод шунқори” фермер ҳўжа-



лиғи билан тузилган ер ижара шартномасини бекор қилиш ва ер майдонини туман захирасига олиш ҳақидаги ариза қалбақлаштирилганлиги назарда тутилиб, Олтинкўл тумани прокуратурасига тақлиф киритилган. Тақлиф асосида туман ҳўқимининг 2008 йил 31 октябрдаги № 416-к сонли қарори билан “Сафаробод шунқори” фермер ҳўжалиғи фойдаланувида бўлган 32,42 гектар ер майдонини туман ҳўқимлиғи захираси ҳисобига қайтартиш тўғрисидаги қарорига протест келтирилган. Аниқланган ҳўжатлар қалбақлаштирилганлиғи ҳолати юзасидан Жиноят кодексининг 228-моддаси, 2-қисми, “б” банди билан жиноят иши кўзгатилди.

Ўрганилган ҳўжалик юритувчи субъектларда шартномаларни тузиш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда қонунбузилиш ҳолатлари ҳам аниқланди. Жумладан, Избоскан туманидаги “Пойтўр” пахта тозалаш акциядорлик жамиятида қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан киритилган тақдимнома асосида жамият раиси ҳамда жамият бош ҳисобчиси эғаллаб турган лавозимидан

Адлия вазирлигида

# Кенгайтирилган ҳайъат мажлиси

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Республика иқтисодий ривожланишининг негизи ҳисобланган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш чоралари кўрилатганлиги айтиб ўтилди. "Ишонч телефони"га қилинаётган мурожаатларни тезкор ҳал этишда қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва ҳаётта татбиқ этиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳисобот даврида адлия органлари ходимлари кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб



чиқарувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида жами 584 мингдан ортиқ шартнома тузилишида иштирок этди.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг иш юритувидаги мавжуд ижро ҳужжатларидан 1 миллион 420 мингдан ортиги, яъни салкам 84 фоизининг ижроси таъминланди.

Муҳокамалар давомида жойлардаги ҳудудий адлия органлари ва тизимга кирувчи муассасалар раҳбарлари томонидан ташаббускорликни ривожлантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мухтажамлаш ва тиббий маданиятини ошириш йўналишида самарадорликни янада ошириш, адвокатура институтини ислоҳ этиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада жонлантириш ҳамда яқинлашаётган сайловлар юзасидан тарғибот тадбирларини кенгайтириш мақсадларига алоҳида эътибор қаратилиб, тегишли вазифалар белгиланди.

Ҳуқуматимиз томонидан ижро интизомини таъминлашга қаратилган вазифалар ижросини баҳарий юзасидан Адлия вазирлигида тузилган ишчи гуруҳи ҳисоботи тингланиб, тизимда ижро интизомини янада мухтажамлаш бўйича келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Ҳайъатда, "Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текшириш ва аралашиларнинг олдини олиш бўйича кескин чоралар кўриш, суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро этилишини сўзсиз таъминлаш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарор лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қонун ҳужжатларини туркумлаш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, жойлардаги нотариат, ФХДЕ идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини янада кучайтириш, фуқароларнинг мурожаатлари тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш каби адлия органларига юклатилган бошқа вазифалар юзасидан тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Адлия вазирлиги  
Ахборот хизмати**

**МАЪЛУМКИ, мамлакатимизда жаҳон андозалари талабларига мос янги банк хизмат турларидан бири бўлган пластик қарточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш тизими амалга жорий этилиб, кенгайиб бормоқда.** Хар қандай янгилик турфа саволларга сабаб бўлади. Жумладан, пластик қарточка тизимининг кириб келиши ҳам аҳоли орасида ҳар хил саволлар пайдо бўлишига олиб келди. Газетхонлар тақлифларини инобатга олиб, ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти директори Аҳмадхон МАМАТОВга мурожаат қилдик.

**— Пластик қарточка тизимининг Ўзбекистонда ривожланиши тўғрисида гапириб берсангиз?**

— Пластик қарточкалар бу — замон талаби, шунинг учун ҳар бир тижорат банки ўз миқозларига жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий банк хизматларини кўрсатишга интилоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитлари аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2006 йил 3 августдаги "Пластик қарточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш бўйича бошқичма-бошқич чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Тижорат банклари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш мақсадида шаҳар ва туман ҳокимликлари, манфаатдор идоралар, компаниялар, уюшмалар билан биргаликда қатор икчи ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2009 йил 1 октябрь ҳолатига тижорат банклари томонидан жами 5,5 миллиондан ортиқ пластик қарточкалар муомалага чиқарилди ва улардан пластик қарточка эгалари самарали фойдаланиши учун қарийб 42 мингдан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектиларида ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилди.

Жумладан, ўтган йилнинг 1 октябрга нисбатан тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик қарточкалар сони 1,3 мартага, ўрнатилган терминаллар сони эса 2 мартага ошган.

Шу билан бирга, ўтган йилнинг 1 октябрга нисбатан пластик қарточкалар орқали амалга оширилган амалиётлар қарийб 3 бараварга қўпайди.

Пластик қарточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш таъминлаш мақсадида 2010 йилнинг 1 январига тижорат банклари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш объектиларга ўрнатилган терминаллар сони 60 минггага етказиш шу билан бирга пластик қарточка эгаларига янада қўлайликлар яратиш юзасидан барча зарурий чоралар белгилаб олинган.

**— Пластик қарточкадан фойдаланишни қандай қўлайлик ва афзалликларига мавжуд?**

— Пластик қарточка харид қилинган товар ва кўрсатилган хизмат учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг замонавий, ишончли ва қўлай воситасидир.

Яъни, банк сизга ҳисобварақ очган ҳолда пулингни пластик қарточкага туширади ва у орқали тўлов учун пул кўчириш амалиётини баҳараверасиз. Пластик қарточкалардан тўловларни қабул қилиш учун маҳсул ўсуна (терминал) мавжуд бўлиб, у барча тижорат банклари кассаларида, шунингдек, банк билан шартнома тузган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган.

Шунингдек, пластик қарточкалардаги маблағингизни банк кассалари ёки банкматларда нақд пул кўришида олишингиз ҳам мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, пластик қарточканинг жуда кўп қўлайликлари бор, хусусан:

- ҳисоб-китобларнинг тезкорлиги, яъни сезиниш навбатда туриб ёки касса олдида нақд пулни бир неча бор санашга сарф қиладиган вақтингизни тежайди, шунингдек, хар қандай жойда ва исталган вақтда масофадан туриб тўловни амалга ошириш мумкин;
- банк қарточка ҳисобварақда турган пулларингизга ҳисобланадиган фойз кўришида қўшимча даромад оласиз. Ҳозир тижорат банклари томонидан пластик қарточкалардаги маблағ-

ларга энг камида йиллик 14 фойз устима ҳақи тўланмоқда;

- пулни йўқотиб қўйиш, ўғирлатиш ёки уларни санашдаги хатолар билан боғлиқ хатарлар пластик қарточка орқали амалга оширилмайдиган муомалада мавжуд эмас.

Пластик қарточкалар ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланиладиган ахборотни ўзидан саклаб қолади. Барча харидлар ва кўрсатилган хизматлар учун амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотларни ёдда тутишга зарурат қолмайди. Чунки маҳсул ўсуна ёрдамида пластик қарточкадаги пулингизнинг ҳаракати тўғрисида бир неча сонияда маълумот олиш мумкин.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, пластик қарточка, берилган ҳудуд ва тижорат банкдан қатъи назар, республикамизнинг барча ҳудудлари ҳамда тижорат банкларида амал қилади, энг муҳими, ойлик иш ҳақини пластик қарточкада олаётган фуқаро мўҳнат таътилида ёки хизмат сафарига бўлса ҳам унга ўз вақтида иш ҳақини исталган тижорат банкнинг касса терминаллари ва жойларга ўрнатилган банкматлар орқали олиш имкониятига эга бўлади.

Агар эътибор қаратадиган бўлсак, пластик қарточкалар нафақат товар харид қилаётган ёки

ларга энг камида йиллик 14 фойз устима ҳақи тўланмоқда;

— телефон, шу жумладан, уяли алоқа телефонлари хизматлари учун тўловларни қабул қилиш шохобчалари;

